



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил

22 апрель, шанба

№31

(11.216)

Эркин нархда сотилади

МАРКАЗИЙ ОСИЁ:

ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

20 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлди.

Учрашув арафасида Президентимиз тадбирни ёриштириш учун ҳукумат қароргоҳига йиғилган журналистларга қўшни мамлакатлар раҳбарларининг мулоқотини ташкил қилишдан қўзғалган мақсад ҳақида сўзлади. Маълум бўлишича, учрашув Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан уюштирилган. Бунинг сабаби, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг, халқаро тадбирлар доирасидаги учрашувларни ҳисобга олганда, бир жойга йиғилиб, ўзаро мулоқот ўтказмаганига анча бўлди. Бу орада ҳамкорликда ечишлиш лозим муаммолар пайдо бўлганлиги таъин.



21 апрель куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг учрашуви давом этди.

Музокараларда минтақавий ҳамкорлик ва мамлакатлараро муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Бунда президентларнинг диққат-эътиборини тортган асосий масала террорчилик, диний экстремизм ҳамда халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш, минтақада таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишдаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўлди.

Музокаралар натижасида иккита ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг қўша баёноти икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга соя солиш учун сўнгги пайтларда атайлаб тарқатилаётган айрим асосий миш-мишларга чек қўйса, тўрт мамлакат раҳбарлари имзоланган террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақада давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳар қандай таъсирдан ягона фронт бўлиб ҳимояланишини кўзда тутди.

Тўрт томонлама битимнинг ўзига мос жиҳатлари шундаки, у ўта амалий аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида хавфсизлик борасида бундай ҳужжат илгари қабул қилинмаган. Битим ташкиладан келадиган хавфни бартараф этишда мамлакатларимизнинг куч-қудратини бирлаштириш, тезкор чоралар қўриш имкониятларини кенгайтиради. Президент Ислам Каримов учрашув

сўнггида ўтказилган матбуот анжуманида ушбу ҳужжатнинг аҳамиятига тўхталар экан, унинг минтақамиз давлатларига террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, ақидадарастлик сингари офатлар таҳдид солиб турган ҳозирги шароитда бир ёқадан бош чиқариб иш қўришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, ҳозир Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида чегараларни делимитация қилиш, соддақор айтганда, белгилаш жараёни бошланган. Шу масала билан шуғулланувчи икки томонлама комиссия аввал Остонада, кейин Тошкентда мажлис ўтказди — иш рисоладигидек кетаяпти. Бироқ сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида чегара масаласи бўйича келишмовчиликлар юзага келаяётгани ҳақида асосий овоза миш-мишлар пайдо бўла бошлади. Президентлар — Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбаевнинг қўша баёноти ана шундай илғовгарлик ўйинларини уюштирувчи кучларга қарши жиддий зарба бўлди ва ҳар хил миш-мишларга чек қўйди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, президентлар икки кун давомида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга тааллуқли барча масалаларни қўриб чиқди ва энди қўша баёнот имзоланганидан кейин бундай гапларга умуман ўрин қолмади.

Матбуот анжуманида, Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролари ўзаро борди-келди қилиши учун энди виза олиш керак бўлганини, қабилидаги гап-сўзлар шунчаки уйдирма эканини алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг айтишича, бундай борди-кел-

ди учун ҳеч қандай виза талаб қилинмайди. Фақат, давлатлараро замонавий муносабатлар тамойилларига қўра, фуқаролар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтаётганда, чегарада паспорт текшируви ўтказилади. Мантиқан олиб қаралганда ҳам, бир давлатдан иккинчи давлатга ўтган фуқаро текширувдан ўтиши шарт. Бундай тадбир икки томонлама муносабатларга пур туғдиришни мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишда ҳам қўл келади. Масалан, ўтган йили 16 февраль куни Тошкентда портлаш уюштирган террорчилар чегарадан бемалол ўтиб, Қозоғистонда яширинишга уринган. Бунинг учун Қозоғистон томонини айблаб бўладими? Йўқ. Аксинча, қўшни мамлакат махсус хизматлари ходимларига жиноятчиларни ушлашда катта ёрдам қўрсатгани учун ташаккур айтиш керак. Лекин масаланинг бошқа жиҳати бор. Чегараларимизда аввалдан қатъий назорат бўлганида, террорчилар чиқиб кета олмасди.

Қозоғистон Президенти Ўзбекистон раҳбарининг чегарада назоратни қўйиштириш борасидаги фикрини қўллаб-қувватлади. Энг муҳими, ҳар икки томон учун ҳам зарурат юзасидан қўриладиган бундай тадбирлардан ваҳимали шов-шув ясамаслик, уларнинг негизидан қандайдир сиёсий сабаблар қидирмаслик керак. Давр шуни талаб қиляптики, демократик йўл тутиш керак. Қолаверса, чегара масаласи жуда нозик иш бўлиб, бу борада, ҳатто яқинлиги дунёга намуна сифатида қўрсатиладиган Европа Иттифоқида ҳам муаммалликка эришилмаган. Ҳабарларга қўра, маъмур иттифоқга аъзо айрим давлатлар Шенген битимидан чиқишни кўзлаб турибди. Бу визасиз борди-кел-

дини бекор қилиш, деган гап.

Аслида, ҳамма гап хавфсизлик муаммоларига бориб тақалади. Қўшни Афғонистонда нотинчлик ҳукм сураб экан, аввало шу муаммони ечиш устида ҳамкорликда бош қотириш керак. Афғонистон, халқаро ҳамжамият Афғонистон муаммосига ҳамон жиддий эътибор бермаяпти. Тўғри, Президентимиз ташаббуси билан тузилган "6+2" гуруҳининг фаолияти изчил давом эттириляпти. Унга БМТ хавфсизлик кенгашининг уч аъзоси — Россия, АҚШ ва Хитой қўшилган. Айни пайтда Франция билан Буюк Британия ҳам унга қўшилиш истагиди. Қабул қилинган Тошкент Декларацияси эса БМТнинг ҳужжати макомини оломоқда. Лекин амалда Афғонистондаги икки қарама-қарши кучга таъки, аниқроғи ўзга мамлакатлардан ёрдам келишда давом этапти. Йўқса, матбуот анжуманида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов таъкидлаганидек, қурол-яроғ заводида эга бўлмаган, қашшоқ мамлакат замонавий ҳарбий-техника, қурол-аслаҳа ва ўқ-дорини қардан олади?

Афғонистон аллақачон наркобизнес ва терроризм уясига айланиб бўлган — у ерда гаёҳвандлик ўсимликлари етиштириладиган майдонлар ва уларни қайта ишловчи лабораториялар, қўрувчилар тайёрлайдиган лагерлар мавжудлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Уш наркотик моддалар ва террорчилар дунёнинг исталган мамлакатларида пайдо бўлиши мумкин. Демак, бу хавф фақат Афғонистоннинг қўшниларигагина эмас, бун дунёга таҳдид соломқда. Унинг олдини олиш учун эса жохон ҳамжамияти биргалашда чора-тадбирлар қўриши лозим.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви нихоясига эътибор қилинган. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирни, ҳеч иккинчидан, тарихий учрашув, деб аташ мумкин. Зеро, унда имзоланган тўрт томонлама битим мамлакатларимиз мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва халқларимиз ҳаётининг осудалигини таъминлашга қаратилган жуда муҳим ҳужжатдир. Унинг шу кунгича минтақада ташқи хавфга қарши яратилган ягона ва мустақил фронт ҳамда мудрофаа соҳасидаги иттифоқчилик асоси, деб баҳо олгани бежиз эмас.

Анвар БОБОВЕВ, Ў.А.

СУРАТДА: учрашув пайти.
Абдувоҳид ТУРАЕВ
олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРАЛИГИ ХАБАРИ

Ўзбекистон Республикаси Корея ярим оролида барқарорликнинг мустаҳкамлашига катта эътибор бериб, шу йил 8 апрелда Пекинда Корея Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) вакиллари ўртасида жорий йилнинг июнь ойида Пхеньянда (КХДР) икки давлат ўртасида анжуман ўтказиш тўғрисидаги келишувга эришилганини қувватлайди.

Ўзбекистон томони икки корейс давлати раҳбарлари учрашувининг ўтказилиши соҳалари ва принциплари, лавозимга сайлаш ва лавозимдан озод қилиш тартибини, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини қўриб чиқишга оид ваколатини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

"ЖАХОН" АА.

БУЛАР — ИХОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР

ВИЛОЯТ ўқитувчиларининг навбатдаги семинар-кенгаши "Она тили ва адабиёти таълимида янги педагогик технологиялар" деган мавзуга бағишланди.

Маърифий тадбир доирасида вилотий иходкор ўқитувчиларнинг танлови ҳам уюштирилди. Унда Қирғиз, Заңғиота, Паркент туманлари ҳамда Ангрн шаҳри таърибкор ўқитувчилари вакиллари қатнашди. Улар республика иходкор ўқитувчилар анжуманида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ЛИЦЕЙ ЭДИ, КОЛЛЕЖ БҮЛАД

Тошкент Давлат Аграр университети ҳузурдаги Республика касб-хунар лицейида ҳисобчилик, фермер-ўсимликчунослик, кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси йўналишлари бўйича машғулотлар олиб борилюмоқда. Бу йил ўзининг дастлабки 50 нафар қалдирғочини ўқирма килувчи мазкур муассасага Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаби бўйича, касб-хунар коллежи мактабин беришга қарор қилинди. Шу муносабат билан унинг ўқув-моддий негизи янада мустаҳкамланди. Унинг ихтиёрга замонавий ўқув хизматлари эга бўлган лаборатория биноси, уч гектарлик ер майдони берилди. Буларнинг бари ўқув жараёнидаги амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ақбар АЛИЕВ.

Вилоят ҳокимлигида

ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Бундан беш йил муқаддам бизнинг республика-мизда Ўрта Осиё минтақасида ягона Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтини жорий этилиб, унинг қошида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича комиссия тузилган эди.

Биринчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелда бўлиб ўтган сессиясида "Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида" (омбудсман) махсус Қонун қабул қилинди.

Ушбу қонун вакилнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиди, унинг фаолияти соҳалари ва принциплари, лавозимга сайлаш ва лавозимдан озод қилиш тартибини, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини қўриб чиқишга оид ваколатини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Республикада гоят муҳим ва зарур бўлган бу институтнинг қўл қиррали фаолияти тўғрисида Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Шарофова Рашидова Тошкент вилоти жамоатчилиги билан бўлиб ўтган.

Ийғилишда вилотий ҳокими муовини, вилот хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Ҳўжаева сўзга чиқди.

Ўз муҳбиримиз.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНИ

ТОШКЕНТ вилоти ҳокимлиги қурилиш, уй-жой ва коммуникация мажмуи масалалари бўйича қотибатиининг 20-апрелда йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шу тармоқ соҳалари бўйича вилотимизда таркиб топган аҳвол атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилотий ҳокимлигининг қатор бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, йирик қурилиш ташкилотлари, бинокорлик ашёлари ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари ва бошқа қатор тегшли ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари вилотимизда капитал қурилиш, кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, алоқа, коммунал хизмат қўрсатишда илохотларнинг бориши ва бошқа шу каби тармоқларни ривожлантиришда ўтган йили ва жорий йилнинг биринчи чорагида эришилган муайян ютуқларни қайд қилдилар.

Асосий эътиборни бу тармоқларда йўл қўйилган қамчиликлар, ечилиши лозим бўлган муаммолар, уларни ривожлантириш юзасидан ҳар бир шаҳар ва туман бўйича ишлаб чиқилган дастурларнинг бақарилиши учун жавобгар бўлган раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш, ҳамма жойда ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратдилар.

Шу билан бирга жозирги вақтда мажмуага қарашли тармоқларда иш аҳволи кўнгилдагидек эмас, даврнинг юксак талабларига жавоб бермаяпти, ҳатто, аксарият соҳалар бўйича республиканинг ўртача қўрсаткичларидан орқада қолмоқда. Қурилиш ишлари ҳажми тобора қамайиб борапти, муҳим иншоотлар ҳисобланган академик лицейлар ва техника коллежларини бунёд этиш сурыталари катта таъшиш туғдирмоқда. Охангарон, Бўқа, Қўйчиқирққ туманларида шу вақтгача етакчи қурилиш ташкилотларини йўқ. Ночор ва зарар қўриб ишлаётган бинокорлик ташкилотларини туғатиш билан жиддий шуғулланилмапти.

Кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш сўст бормоқда. Айниқса, газ ва ичимлик суви янги тармоқларини барпо этиш режалари урда-ламаняпти. Ўтган биринчи чорада газлаштириш бўйича йиллик иш ҳажмининг атиги 0,6 фоизи бақарилди, холос. Сув тармоқлари эса умуман қурилмапти.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегшли тадбирлар белгиланди.

"ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ" ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Автобус қатнови узайтирилса...»

ГАЗЕТАНИНГ жорий йил 5 апрелдаги 26-сонида берилган "Автобус қатнови узайтирилса" сарлавхали мақолада жозирги вақтда "Тошкент — Қўрғонча" йўналишида қатнаётган автобусларнинг Гул кишлоғига боришини йўлга қўйиш масаласи кўтарилган эди. Таҳририят шу масала юзасидан Тошкент вилоти йўловчилар ташкилоти ва автобус қатнови бошқаруви раиси М. Каримов имзоси билан жавоб хати олди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Ҳаракатланувчи таркиб, ёниги-мойлаш махсулотлари ва эҳтиёт қисмларнинг етиш-

маслиги сабабли концерн автосаройларида Тошкент шаҳри билан вилотдаги барча кишлоқ ва қўрғонларни боғловчи автобус йўналишларини ташкил этиш имкониятлари маъжуд эмас. Шу сабабли, автосаройлар вилотдаги туман марказлари ва йирик шаҳарларининг Тошкент шаҳри билан боғловчи йўналишларда хизмат қўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Оққўрғон ва Чиноз автосаройлари Гул кишлоғи аҳолисига шу кишлоқ орқали ўтувчи "Дўстобод — Чиноз" автобус йўналиши билан хизмат қўрсатмоқдалар.

Йўловчилар ушбу йўналишда Қўрғонча кишлоғига ва сўнгра "Қўрғонча — Тошкент" автобус йўналиши бўйича Тошкент шаҳрига етиб келишлари мумкин. Бундан ташқари, "Тошкент — Қўрғонча кишлоғи" йўналиши Гул кишлоғига узайтирилса, "Дўстобод — Чиноз" автобус йўналишига салбий таъсир қўрсатади ва натижада йўналиш зарар қўриб ишлайди.

Қўриладиган зарарларни қоплаш учун дотация йўқлигини ва Оққўрғон, Чиноз автосаройлари қилаётган харажатларини ўзлари қоплашлари зарурлигини инобатга олган ҳолда концерн қўридаги автосаройлар "Тошкент — Қўрғонча кишлоғи" автобус йўналишини Гул кишлоғига узайтиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини маълум қилди.

«Ҳокимнинг фармойишини ким бажаради?»

ГАЗЕТАНИНГ шу йил 1 апрелдаги 25-сонида "Ҳокимнинг фармойишини ким бажаради?" сарлавхали мақола берилиб, унда Ангрн шаҳрининг Охангарон шох қўчасида тинимсиз қатнаётган юк машиналариининг сонини кескин қўпайиб кетганлиги туфайли қатор муаммолар пайдо бўлганлиги, чўнончи, машиналардан чиқаётган дуд ва захарли моддалар қўпайиб, аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилаётганлиги, йўл транспорт ҳодисалари кўпайганлиги, бунинг олдини олиш учун Ангрн шаҳар ҳокимининг юк автомашиналари қатновини Охангарон қўчасининг Навоий қўчаси чорраҳасидан Қора-

боғсой қўчаси чорраҳаси орасидаги қисмида таъқиқлаш ҳақидаги фармойиш бажарилмаётганлиги тўғрисида ёзилган эди.

Ушбу мақола юзасидан Тошкент вилоти ички ишлар бошқармасидан жавоб олинди. Бошқарма бошлиғи Ш. Расулов имзо қўйган ушбу жавобда айтилишича, А-373 рақамли Тошкент — Ўш автобус йўли халқаро аҳамиятга эга бўлиб, унда транспорт воситаларининг ҳаракатини ташкил этиш масаласи "Ўзавтйўл" давлат акциядорлик концерни ваколатига кирганлиги учун вилот ИИБ ДАН бошқармаси ушбу ташкилотга хаб билан мувожабат қилган.

Концерннинг жавоб хатида тушунтириш берилишича, бу автобус йўли халқаро транспорт йўналиши рўйхатига киритилганлиги туфайли мазкур йўл йўналишини ўзгартириш фақат республика ҳукумати рухсати билан амалга оширилиши ва А-373 рақамли автобус йўлининг ўлчамлари халқаро юк ташкил талабига жавоб бермаслиги туфайли юк автобусларининг 4Р184 рақамли йўл орқали ўтказиш мумкин эмаслиги, А-373 рақамли автобус йўлининг 99 километридан 103 километри оралиғидаги йўл ўлчамлари ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича биринчи даража йўл бўлиб, транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солувчи қурилмалар билан жиҳозланганлиги ва ҳаракат хавфсизлиги талабларига жавоб бериши таъкидланган. Концерн

2000-2005 йиллар давомида катта шаҳарларда айланма йўллар қуриш дастурига Ангрн ва Охангарон шаҳарлари ҳам киритилганлиги ва бу иш босқичма-босқич амалга оширилишини ҳам баён этган.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган йўлда транспорт воситаларининг ҳаракатланшини таъқиқлаш Ангрн шаҳри ҳокимлиги ваколатига кирмаслиги ҳам қўрсатиб ўтилган.

Жавобда ДАН ва йўл коммунал ҳўжаликлари ходимлари ҳамкорлида мазкур автобус йўлида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, пиёдалар юриш йўлакчалари, ўтиш жойларини ва светофор қурилмалари ҳолатини доимий назорат қилиб боришлари ҳамда ҳаракатлануш устидан назоратни қўйиштириш учун қўшимча ДАН постлари ташкил этилганлиги ҳам қайд қилинади.

“Энг улуғ, энг азиз” танловига

Болалигимни эслайман. Саратон офтобиди қора терга ботиб, бог кўчаларда югуриб юрганларим ёдимга тушади. Ҳам соғинч, ҳам армон болалигим бешиги бўлиши — Тошкент туманидаги “Кизгалдоқ” кишлоғига етаклайди. Тўғри, ҳозир бу кишлоқ Келес шаҳри тасарруфига ўтиб, катта турар-жой даҳасига айланган.

Кишлоғимизнинг чор атрофи ёнғоқзор, олмасор, ўрикзор жийдазорларга бурканган эди. Мева-чева-ларнинг номларини айтиб, адоғига етиб бўлмасди. Кишлоқнинг нариги бошидан бериги бошигача Золарикининг ирмоғи бўлиши катта Қумарик оқиб ўтарди. Суварли бирам зилол, бирам ширин эдики, ичган одамнинг танаси яйраб, яна ичсам дерди. “Сувга тулурма, арик бўйларини озода тут”, янглиғ ўғитлар ўша болалик чоғларимизданок қулоғимизга қуюлиб қолганди.

Пахса девор билан ўралган бог-роғли кўрғонимиз бўларди. Бу тарафларда ана шундай кўрғонлардан еттига эди. Ҳар бир кўрғон эгаси ўзи етиштирган мева-лари билан машхур. Масалан, Қосим бўвнинг жоноқи олмалари, Туроб полвоннинг нон жийдалари, оқ шафтолилари, Оролбой тоғанинг галвирак ёнғоқлари машхури ҳақон эди.

Олтмишинчи йилларга келиб, бу жойлар Охунбоев номли жамоа кўжалигига қўшилиб кетди-ю, бог-роғларга завол етди, улар қирғинбарот қилина бошланди.

БУЛБУЛ
НОЛАСИ

Катта кўрғондаги супа ёнида икки туп атиргул ўсарди. Болалик ҳаяжонларининг ҳосиласи бўлса-да, айтмасам бўлмас, умрим бини бўлиб бунақа атиргулларни кейин ҳам ҳеч қаерда учратмадим. Савр ойининг охиридан жавзога ўтарда чаман бўлиб очилди атиргуллар қавс ойининг сўнгги кунларига қадаб бир-бирдан чиroyли гўнчалар очарди. Шу-

нақам хушбўй эдики, айниқса, кўклам ва саратонда ҳовлимиздан ифори ис-лар аримай қоларди. Отам раҳматлик ҳеч кимга, ҳеч бир дона бўлса-да, атиргул узишга рухсат бермасди-

БОҒОҒ
қайта КЎКАРДИ

лар. Бунинг асл сабабини мен кейинроқ англадим...

Тонг саҳарга қадаб ана шу атиргуллар атрофида парво-на бўлиб, нола чекувчи бўл-бул мени ўзига боғлаб олган эди. Булбул овозини тинглаб, уйкуга кетар, ана шу овоздан кўнглим гупуриб уйғонардим. Кўп марта отамнинг қатъий таъқиқларига қарамай, ойдин кечаларда атиргул тагида мук тушиб, булбул овозини сел бўлиб тинглар ёки ҳовлида зир югуриб, тинимсиз нола қилаётган миттигина жонни излардим.

Эрталаб эса, отамнинг таъқиқларини унутганча, булбул-ни шунча уриниб тутолмаганимни айтиб шикоят қилардим. У киши бошимни силаб, шундай дердилар: “Болам, булбул беғуноҳ жонивор, уни тутиб бўлмайди, унинг дуо-ноласидан гўнча гўл бўлиб очилди-ю, бечора булбулни эса, уйку элтиб қўяди. Булбул яна машаққат чекаверади”.

Кейинроқ етмишинчи йилларда мен ногаҳон бир эҳтиётсизлик туғайли ову-ночларимдан айлрилиб қол-дим. Жон ришталаримни ўзиб юборай деган воқеа шундай

содир бўлди.

... Ез кечаларидан бирида яна кўрғонга келдим. Худди болаликдаги каби атиргуллар тагига қўли солиб ётдим. Дил-да ишқ, сўнгги йўқ орзулар оғушида қадрдоним булбул-фигонини тинглаб тонг оттирдим. Йўқ, йўқ, ойдин кечада ифори шаббода элтиб, қандай ухлаб қолганимни бил-май, саҳарда кўнглим гупуриб уйғондим. Шу кунги дилимда атиргулларни Кўтарақдаги ҳовлига олиб кетсамчи, де-ган истак пайдо бўлди. Ҳаде-май, куз кунларидан бирида

бу ниятни амалга оширдим-у, бир йўла ҳам кўнглим ардоғи атиргуллардан, ҳам дил ову-ночи булбулдан айлрилиб қол-дим. Ахир уларни бир-бири-дан, атиргулларни ўз заминидан, булбулни эса шу замин неъматлари гулларидан жудо қилиб бўлмаслигини, ҳар икки кишидан етти ўлчаб бир кесиш кераклигини вақт ўтгандан сўнггина англаган эдим-да.

ВАЛФАЖР

Отам раҳматли дароз бўйли, чорпахилдан келган, соч-соқоли ўзига ярашган, кўм-кўк кўзлари қақнаб тура-диган, ном чиқарган полвон киши эдилар. Биз отамнинг яккаю-ягона синглиси Холни-са аммам билан девор-дар-миён кўшни эдик. Афтидан, кўрғон битта бўлиб, ака-син-гил бўлиб олишган бўлса керак...

Опаларим турмушга чиқиб, бола-чақалди бўлишган. Ҳар икки хонадон учун яккаю а-гона дастёр ва эрмак мен эдим. Кўпича қарияларнинг холи-дан хабар олиш ҳам, опала-римни йўқлаш ҳам менинг чекимга тушар эди. Мирзааҳмад почча — ба-

ланд бўйли, ориқ, бесаран-жом, гапни тез-тез гапирати-дан киши эдилар.

Биллолмадим, жанжал ни-мадан чиқди. Бир кун қайнога ва кўёв гап талашиб қолиш-ди. Қариялар қизишиб кетиб, жанжални кураш тушиб ажрим қиладиган бўлишди. Хакам-ликка эса, биздан беш-олти кўрғон нарида турадиган Оролбой тоғани қақирадиган бўлишди. Менда текин томо-шага жон борми, зум ўтмай, Оролбой тоғани даладан то-либ келдим. У киши ҳам пол-вонсифат бўлиб дадам билан

КУШЛАР ОРОЛИ

Кишлоғимизнинг кун чиқар тарафидида жажжигина оролча бўларди. Ана шу оролчада таърифу тавсифига қалам оҳиз мўъжизгина бог шовул-лаб турарди. Кишлоғимизда-ги дов-дарактлар ана шу боғи эрамнинг “болалари” эди. Бу боғнинг соҳибқори “Гриша асалчи” — Григорий Григор-евич деган грузин эди.

“Гриша асалчи” баланд бўйли, ҳаддан ташқари озгин, лекин бакуват, қиррадор бурни ўзига ярашиб туради-

ган киши эди. У ўзбекчани “сув қилиб ичиб” юборган, кишлоқдаги одамларга мева-ли дарактларни бир-бирига пайванд қилишда ёрдам бе-ришдан эринмасди.

Гапимни боғдан бошлаган-дим. Атрофи табиий қўл билан ўралган богда саввадан қалқикча, товусдан бедана-гача минг бир турдаги қуш-лар макон курган эди. Ҳар хил тахтача ва фанерлардан чи-ройли қилиб асалган уйчалар дарактларда осиглик турар, ҳаммаси Гриша амакининг хунари маҳсули эди. У бўш қолди дегунча, болаларга қушларнинг турли-туман қилиқларини қилиб кўрсатар, асалариларнинг ажойиб ҳи-слатларини айтиб, чарчамасди. Кейин ҳаммамизга бир ялам-дан асал улашарди. Энди уйлаб қарасам, биз кишлоқ болалари табият алифбосини, дастлаб ана шу богда ўрган-ган эканмиз.

Бир сафар негидир Гриша амакидан: “Нега болангиз йўқ” деб сўрабман. У чуқур хўрсинди-да, бошимни силаб қўйди:

— Ўғлим Миша тирик бўлганда эди... Менинг болам мана сен, сенинг ўртоқла-ринг. Менинг болам — дарактлар. Менинг болам —

кушлар. Шунинг учун сиз-лардан ҳам, дарактлардан ҳам ажралолмайман. Биров дарактларининг бирор шо-ҳини сандирса, қушларимга тош отса, бошимдан то оёғимгача зирқирайди.

Бола эдим, бу гапларнинг маъини қақибманми ўшан-да... Кўп ўтмай, Гриша асал-чининг бошига ҳам шўриш-лар ёғилди. Оролни текис-лаб қолхоз ерларига қўшиб юборишди. Биринчи олма дарактига болта тегиши би-лан қушлар париллаб осмон-га кўтарилди. Гриша асалчи эса, ётиб қолди, мусибатни кўтаролмади. Болалик тасав-вури бошқача бўлар экан чоғи, бир курган нарсанг умрбод қалбигида муҳрла-ниб қоларкан.

...

Йиллар ўтди. Одамлар, одатлар ўзгарди. Ҳали-ҳозир ана кишлоғимга келсам, те-мир йўл ёқалаб қушлар оро-лига бораман. Гриша асал-чининг ороли урнида янги-янгиги бог-роғлар қад кўтар-ган. Одамлар кўрган қуна-рига шукрона айтиб, бола-чақа ортирмоқдалар. Меҳ-нат қилмоқдалар. Дарахт экиб, бог яратмоқдалар. Сер-хосил мевазорларнинг номла-рини айтиб, адоғига етол-майсан, киши...

Кизгалдоқликларнинг ишбилармон кейинги авло-ди ота-боболарига ўхшаган бог-роғлар яратувчи меҳнат-каш инсон эканликларида дил-дилдан ишонгим кела-ди. Улар амалга ошираётган ишларни кўриб, кўнглим тўлиб, яйраб кетаман.

... Хўв, осмонга бир гала қушлар тўдаси кўтарилди. Улар тинчлигимиз, хотир-жамлигимиз, тотувлигимиз элчиларидир. Раҳматлик отамнинг “Болам, қушларни севган одам ҳеч кимга озор бермайди”, деган ўғитларни кўнглимда тақорланавера-ди, тақорланаверади.

— Омонимиз, жон қуш-лар?! Сизни соғиниб кел-дим! — дея ҳайқирим кела-ди. Зеро, осмонимизда қуш-лар чарх уриб, учса, тинч-лигимиз, омонлигимиз бар-қарор бўлса, шунинг ўзи катта бахт-да!

Шавкат ТУРОБ.

ФАЙЛАСУФЛАР
АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Фалсафа Ҳамаиотида фалсафа фанининг ян-гиланиши муаммоларига бағишланган илмий-ҳаётий се-минарнинг навбатдаги ўн тўртинчи машғулоти бўлиб ўтди. Уни фалсафа Ҳамаиотининг президенти, Фанлар академия-сининг муҳбири аъзоси С. Шермухамедов бошқарди.

Мустиқликнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий асосла-рини муҳофафза қилиш ва бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш жараёни фалсафа фанига янгича ёндашуви талаб этади. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат ил-мий нашриёти бош директори, профессор Н. Тўхлиевнинг “Ўзбекистонда мулкдорлар синфи шаклланишининг ижти-моий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари” мавзусидаги маърузасида ана шу масалалар ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Мулкдорлар қатламнинг шаклланишига айрим шахсларнинг шўро тизимида сингдирилган боқимондалик қайфиятидан хали-ҳануз қўтिला олмаётган тўқсинлик қўл-моқда. Нотик масаланинг ҳуқуқий, фалсафий, социологик жиҳатлари ҳусусида ҳам батафсил тўхталди.

Маъруза юзасидан узаро баҳс-мунозарга бўлиб ўтди. Машғулот сўнгига ушбу мавзу бўйича махсус илмий-ама-лий анжуман ўтказишга қелишиб олинди.

(ЎЗА).

Хотира

САВОБ ИШНИ ҲАР
КУНИ ҚИЛАР ЭДИ

ҲАЁТДА ҳар хил одамлар бор. Менга Қўрай туманидаги Хўжақўрғон кишлоғининг “Янги ҳаёт” маҳалла-сида яшаб ўтган Собир Умархўжаев ҳақида ҳикоя қилиб беришанида, беҳишёр ҳассос шоиримиз Мақсуд Шайх-зоданинг машхур шеърисида “Одамлар бўладики, ўлган-да тирикдир”, деган сатрлари ёдга келади.

ЭХТИМОЛ сиз Собир ака ўша пайтларда туман, ҳўжа-лик ёки вилоят миқёсидаги катта лавозимларда ишла-ган бўлса керак, деб ўйла-ётгандирсиз. Йўқ, асло ўй-дай эмас. Дехон ўғли эси-ни танибдики, ҳамиша да-лада бўлиб, бойлик яратиш билан шугулланди. Ҳўжа-ликка биринчи трактор кел-ганда, бошқаришни Собир акага ишониб топширишди. У ишончини оқлади. Ҳамма-ни хайратга солиб, меҳнат қилди. Қўлчилликка келган “тўй” — урушда ҳам қатнаш-ди. Ор-номус учун жонини тикиб, жанг қилди. Ногирон бўлиб қайтди. Соф виждон билан яна қўлидан келган-ча меҳнат билан шугуллана бошлади. Айримларга ўхшаб “умримнинг буюғи фойдага қолди-ку” деган каффиятга, вақтинчалик ҳў-хавасга берилмади. Топик-қан, синикқан одамларнинг оғирини енгил қилишни мақсад қилиб олди. Қийин шароитда турмуш кечи-раётганларнинг ҳаётини озгина бўлса-да, яхшилашга ҳисса қўйиш йўллариини излади ва топи. Кишлоқдан ай-қиб оқиб ўтадиган Оқтепа ариғининг шаршара қисми-га қурилган 2та тегирмон бир ишлаб, бир ишламай ётар, таъмирталаб бўлиб қолганди. Собир ака ана шу тегирмонларни тўла қувват билан ишга тушириш учун ҳаракат қилди. Уддасидан чиқди. Эзгу ишга отланган кишини кўрган одамлар қараб туришмади. Унга далда бе-ришди. Амалий ёрдамлари-ни аямдидилар.

— У пайтларда киш ни-ҳоятда қаттиқ келарди. Ҳат-то, 30-35 даражагача совуқ бўларди, — деб эслайди қариялар. — Бундай шаро-итда тегирмонни юритиш осон эмасди. Собир ака одамларга ўзи бош бўлиб, қалин музни ёриб, сувни оқизиш учун жонларини жаборга бериб ишларди-лар. Ариқнинг Зоғариқдан бошлаб то тегирмонгача бўлган қисми ана шундай тарзда яхдан тозаланарди. Собир ака тегирмончилик синларини яхшилаб ўрга-ниб олганди.

Кунлар ўтди. Ҳаёт бир дам тўхтамай, илгариларди. Турмуш тарзи ҳам ўзгара борди. 60-йилларга келиб, Май кишлоғининг маркази-да 2та электр тегирмон ишга туширилди. Бу замо-навий услубдаги қурилган тегирмонларни бошқариш-

ни ҳам Собир отага топши-ришди. У тажрибалирини ишга солиб, тегирмоннинг кечаю-кундуз ишлашини таъмин этди. Сифатли ун тайёрлаб, одамларга ризқ-рўз улашди.

Ҳозир ёши бир жойга бориб қолган одамлар ҳамон хажжон билан эслай-дилар: ўша қийинчилик йилларида Собир ота ўзи, акага ишониб топширишди. У ишончини оқлади. Ҳамма-ни хайратга солиб, меҳнат қилди. Қўлчилликка келган “тўй” — урушда ҳам қатнаш-ди. Ор-номус учун жонини тикиб, жанг қилди. Ногирон бўлиб қайтди. Соф виждон билан яна қўлидан келган-ча меҳнат билан шугуллана бошлади. Айримларга ўхшаб “умримнинг буюғи фойдага қолди-ку” деган каффиятга, вақтинчалик ҳў-хавасга берилмади. Топик-қан, синикқан одамларнинг оғирини енгил қилишни мақсад қилиб олди. Қийин шароитда турмуш кечи-раётганларнинг ҳаётини озгина бўлса-да, яхшилашга ҳисса қўйиш йўллариини излади ва топи. Кишлоқдан ай-қиб оқиб ўтадиган Оқтепа ариғининг шаршара қисми-га қурилган 2та тегирмон бир ишлаб, бир ишламай ётар, таъмирталаб бўлиб қолганди. Собир ака ана шу тегирмонларни тўла қувват билан ишга тушириш учун ҳаракат қилди. Уддасидан чиқди. Эзгу ишга отланган кишини кўрган одамлар қараб туришмади. Унга далда бе-ришди. Амалий ёрдамлари-ни аямдидилар.

Собир ота эл-юртга ях-шилиқ қилувчи инсон си-фатидагина эмас, балки, саккиз фарзанд — етти ўғил, бир қизнинг меҳри-бон отаси сифатида ҳам ном қолдирди. Турмуш ўртоғи Набирахон ая билан фар-зандларини ниҳоятда одоб-ли қилиб тарбиялади. Улар-нинг ҳаммаси олий маълум-отли инсонлар бўлиб етишдилар. Бирлари мураб-бий, олим, ўқитувчи, яна бирлари ички ишлар ходи-ми сифатида республика, вилоят миқёсидаги муассса-саларда, таъсилотларда хизмат қилиб, айни кунлар-да ҳам эл-юрт ишига муно-сиб ҳисса қўшмоқдалар.

Саксон йилдан ортиқ умр кўрган Собир отанинг номи ҳақон тиркилардек эл оғи-дан тушмаётгани ҳақида ўйлаганимда, ўша ҳассос шоирнинг шеърисида таъкид-ланганидек, “тириклигимда ўлик” бўлиб юрганлар ҳам эсга келади. Қоши, ота-ининг ҳаёт йўли бундай ин-сонларга ўрнат бўлса-ю, жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром янада бар-қарор бўлса.

Ахрор УБАЙДУЛЛАЕВ,
халқ таълими
аълочиси, фалсафа
фанлари номзоди,
доцент.

КОНЧИЛАР КЎМАҚДОШЛАРИ

Бу жамоа аъзоларини, айниқса, кончи-лар ҳурмат қилишади. Чўчки кончиларнинг ишлари улпарсиз битмайди. “Кўмир” хисса-дорлик Ҳамаиотида қарашли бу геология-қидирув экспедицияси аъзолари мавжуд конларни доим назоратда сақлайдилар, уларда табиий бойлиқларнинг жойлашиши, қатламлари ҳажми, қалин-поқалигини, қазиб чиқариш учун яроқли-яроқсизлигини ва бошқа шунга ўхшаш томонларини аниқ-лаб берадилар. Кончилар эса уларнинг мас-лаҳати, хулосаларини доим инобатга ола-дилар.

Зиммасига шундай масъу-لياتли ва шарафли вазифа юклатилган экспедиция ўтган йил охиридада ишда бироз сустқилишга йўл қўйган эди. Режаларни урдалаш жуда қийин кечди, кре-дит қарзлари қўпайиб қолди. Буюртмачи-лардан кўрсатилган хизмат ҳақини олиш-даги баъзи чалқашликлар, қидирув ишла-рида содир бўлган муаммолар шунга олиб келди.

Жамоа жорий йилда ишдаги бу нуқсон-ларни бартараф этишга астойдил кириш-ди.

Шу тўғрйли буюртмаларни бажаришда-ги иш кўрсаткичлари сезиларли яхшилан-диб бормоқда. Корхона бўйида ётган 8 миллион кредит қарзларини жорий йил-нинг биринчи чорагидаёқ узиш мумкин бўлди. Қидирув ишларини олиб бориш учун зарур асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар етказиб бераётган жамоалар олдиди субут-сизлик барҳам топди.

Ил-фан —
ишлаб чиқаришга

Биринчи уч ой давомида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Чўчкини, Навгар-зон, 9-коннинг жанубий қисми, Увартон конларида кўмир қатламларининг жойлаши-ши пухта тадқиқ қилинди. “Қора олтин”ни қазиб олишга қандай усул қўлланиши бўйи-ча тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда бу кон-лар жамоаларига ҳавола этилди.

Қидирув ишлари ҳажми назарда тутилган-дан анча кўп бўлди. Ҳаммаси бўлиб 2000 метрдан ортиқ бурғилан ишлари бажари-лди, қатор қудуқлар очилди. Шундай қилиб биринчи чорак режалари 111 фоиз қилиб адо этилди. Экспедиция жа-моаси тармоқдан бошқа со-ҳалардан ҳам мижозлар из-ляпти. Иш ўзаро тузилган шартнома асосида олиб бо-риляпти. Уларнинг илтимоси билан қудуқ-лар қазиб, ерости суварларини чиқариш каби юмушлар бажарилмоқда.

Корхонада Г. Шерматов, А. Хванлар бош-чилик қилаётган бурғилувчилар жамоалари ҳақида фақат илиқ сўзлар эшитасиз. Улар ўзларининг унумли ва сифатли ишлари билан жамоанинг меҳнат ютуқларига муно-сиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Биринчи чорак топириқларини ҳам 15-20 фоиз ортиғи билан адо этилди. Бурғилувчилар М. Ниезатов, Ф. Фидоев, Ф. Сибгатуллин, геологлар М. Эргашева, И. Скобцова, гео-физик Г. Мельниченко ва бошқалар ҳам ба-ракали ишлашяпти. Бу йил юксак меҳнат марраларини кўзлаган экспедиция жамоаси ҳамон ҳадвалдан ўзиб ишлашяпти.

Собир ҲАМИДОВ.



БЕКОБОД — ҚУРИДИШ ШАҲРИ

АЙНИ КУНЛАРДА металлургия ва цементчилар шаҳри бўлиши Бекобода бунёдкорлик ишлари қизиган давом эт-моқда. Бу борада “Ўзметкомбинат” қоши-даги қурилиш-монтаж трести ишчи-хиз-матчилари алоҳида савй-ҳаракат кўрсат-моқдалар. Айниқса, 450 ўринли метал-лургия коллежи, 1,5 минг ўринли теннис корти шаҳар аҳолисига жуда маъқул бўлди. Замонавий ошхоналар, янги-янги дўкон расталари, отахоналар қойноҳаси ҳар бир мавзе кўрмига кўр қўймоқда.

Трест жамоасининг келажакдаги режа-лари ҳам ўзига яраша. “Мен гишт теру-вичман, — дейди жамоа аъзоси Аҳмад

Раҳимов, — ҳар кун қадрдон шаҳар кўча-ларидан ўтар эканман, трестимиз ишчи-хизматчиларининг меҳнати самаралари-ни кўриб, ниҳоятда қувониб кетаман. Трест раҳбарияти бизларнинг меҳнати-мизга яраша ҳам моддий, ҳам маънавий мадад бермоқда. Шунинг учун бу ерда ишчиларнинг кўнимсизлиги деган иб-орага ўрин қолмаган. Зотан, ҳар бир хо-дим ўз касбини, ўз ўрнини алоҳида қад-рига етади”.

СУРАТДА: ишга туширилган шаҳар тен-нис кортини кўриб турибсиз.

Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.

ОДАМ
ҲАФТА
ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўққинчи

- РОССИЯНИНГ янги президенти этиб сайланган Влади-мир Путин ҳафта бошида Буюк Британияга бир кунлик сафар қилди.
- ЖОРИЙ йилнинг 6 июнида АҚШ президенти Билл Клинтон Украинага ташриф буюрди. Сафар чоғида икки мамлакат ўртасидаги мавжуд стратегик ҳамкорлиқни мус-таҳкамлашга қаратилган масалалар муҳофиза қилиниши ре-жалаштирилмоқда.
- ГРУЗИЯГА ташриф билан келган НАТО бош қотиби-нинг мудофиа сийосати ва режалаштириш бўйича ёрдамчи-си Эдгар Бакии Грузия ташқи ишлар ҳамда мудофиа вазир-лари билан учрашди.
- ТУРКИЯНИНГ Истанбул шаҳрида Қора денгиз бўйида-ги олти давлат ҳарбий-денгиз қучлари қўмондонларининг анжумани давом этди. Унда Болгария, Грузия, Россия, Ру-миния, Украина ва Туркия ҳарбий-денгиз қучлари қўмон-донлари қатнашмоқда.
- ИТАЛИЯ ҳукумати раҳбари Массимо де-Алема истеъ-фога чиқиши мумкинлигини маълум қилган эди. У кўни-кеча ниятини амалга оширди.
- НИГЕРИЯ ва Жанубий Африка Республикаси ҳукумат-

лари минтақада барқарорлиқни таъминлаш учун ҳарбий со-ҳада узаро ҳамкорлик ўрнатмоқда. Ҳозиргача ушбу икки давлат ўртасида ҳарбий алоқалар йўқ эди.

● ЗИМБАБВЕДА давлат мустақиллигининг 20 йиллиги кенг нишонланди. Бу мамлакат 1980 йил 18 апрелда эгамен-давлата айланган эди.

● БМТ ҚОШИДАГИ Африка иқтисодиёти комиссияси қотиби Кингслей Амоаконинг маълум қилишича, 2050 йилга бориб, китба аҳолиси сони 2,5 миллиардга етади.

САЙЛОВ АРАФАСИДА

1993 йилдан бун — Тур-киянинг собиқ президенти Тургут Узоқ вафот этгандан кейин мамлакатга раҳбарлик қилаётган Сулаймон Дамирел ваколатининг муддати 16 май-да ниҳосига етади. Шу му-носабат билан Туркияда пре-зидент сайлови бўлиб ўтади. Ушбу муддат яқинлашган сари мамлакатда сиёсий дои-раларнинг фоллиғи тобора ошиб бормоқда. Ҳозир мам-лакатнинг навбатдаги прези-дент ким бўлиши ҳақидаги тахмин ва баҳоратлар қўп-лаб баҳс-мунозараларнинг асосий мавзусига айланмоқда.

Мамлакат конституцияси-га биноан Туркияда президент парламент йўли билан сайла-нади. Бош вазир Булент Эже-вит амалдаги президент С.

ватламда. Сайлов жараёни-нинг бир ойда қилин аввал бошланганини эътиборга ол-сак, 26 апрелгача барча ном-зодлар кўрсатилиши лозим. Шунингдек, асосий қонунда овоз бериш босқичлари ора-сида ушбу кунлик танлаш ҳам қўзда тутилган. Агар парла-мент бир ой давомида мам-лакатнинг навбатдаги прези-

ОЧАРЧИЛИКДАН ЁМОН НАРСА ЙЎҚ

БМТ БОШ қотибининг махсус вакили Кетрин Бертини Эри-реда бўлиб, бу ерда очарчиликнинг бартараф этилишига ҳали анча вақт боришига амин бўлганини айтди. Эриреяга шошилинч равишда катта миқдорда озиқ-овқат жўнатилиши лозим, деди у. Махаллий мутахассислар ҳам халқаро муру-еват ташкилотларининг кўмағисиз ушбу муаммони бартараф этиш мумкин эмас, деган фикрда турбидилар.

ҚИЗИЛ ХОЧ ЁРДАМИДА

ХАЛҚАРО Қизил хоч қўми-таси кўмағи билан озарбай-жонлик икки нафар ҳарбий асирликдан озод этилди. Улар қарий бир ярм йил-дан бунён тўтқунликда уш-лаб турилган эди. Қўмида ваки-лининг айти

ДУШАНБА, 24

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.40 Лирик концерт.

9.00 «Ўзбекфильм» намоёниши: «Хисор қуриқоҳи».

9.30 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.

10.00 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Олтин тоғ». Телевизион уйи.

10.25 Кундаги сеанс: «Беминнинг ёшлиги».

Бадий фильм.

11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

12.05 «Соғлом авлод — бу бизнинг келажғимиз».

13.05 «Аранди бир кун».

Бадий-мусикий кўрсатув.

14.10 «Футбол шарҳи».

14.25 Кинохитлар саргузасти. Мультфильм.

15.00 «Ойла. Тележурнал».

15.20 «Сувости экспедицияси».

15.30 «Ўзбек».

16.10 «Шарқдан нур».

Жалолиддин Мангуберди. 1-қисм.

16.30 «Паровоздаги турна».

Бадий фильм.

18.10 «ТВ-патруль».

18.15 «Набат гўлчалари».

18.20 «Мажнун». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.

18.50 «Бахти воқеа».

19.15 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Истиклолим — истиқбол».

21.20 Авазбек Олимов кўрсатув.

21.50 «Мерос». Телевизион уйи.

22.40 «Мажнун» даври.

23.15 «Ахборот».

23.45 «Курьер». Бадий фильм.

1.15-1.20 Ватан тисмоллари.

8.55 Кўрсатувлар даври.

9.00 «Давр». Хафта ичида.

9.15 «Ешлар» телеканалида.

9.45 «Янги авлод». Кинохитлар.

Мультфильм «Мушкетёр».

10.00 «Мусикий лаҳзалар».

10.10 «Ахборот».

10.50 «Ешлар» телеканалида: «Спорт-2000».

11.15 «Бак».

11.25 «Мусикий лаҳзалар».

12.25 Бахорид Илдошев театри: Вильям Шекспир. «Тителло».

13.05 «Олтин мерос».

13.15 «Саломат бўлинг».

14.25 «Минг бир маслаҳат».

14.45 «Вильям Шекспир».

15.00 «Давр».

15.15 «Ахборот».

15.30 «Давр».

15.45 «Ахборот».

15.55 «Бухорий шариф».

16.15 «Мусикий лаҳзалар».

16.35 «Ешлар» телеканалида: «Спорт-2000».

17.25 Кўрсатувлар даври.

17.30 «Янги авлод» почтаси.

«Мультмоша».

18.05 «Бухорий шариф».

18.15 «Мусикий лаҳзалар».

18.35 «Кишлоқдаги тенгдошим».

18.55 «Мусикий лаҳзалар».

19.00 «Давр».

19.15 «Ахборот».

19.30 «Давр».

19.45 «Ахборот».

19.55 «Бухорий шариф».

20.00 «Давр».

20.15 «Ахборот».

20.30 «Давр».

20.45 «Ахборот».

20.55 «Бухорий шариф».

21.00 «Давр».

21.15 «Ахборот».

21.30 «Давр».

21.45 «Ахборот».

21.55 «Бухорий шариф».

22.00 «Давр».

22.15 «Ахборот».

22.30 «Давр».

22.45 «Ахборот».

22.55 «Бухорий шариф».

23.00 «Давр».

23.15 «Ахборот».

23.30 «Давр».

23.45 «Ахборот».

23.55 «Бухорий шариф».

0.00 «Давр».

0.15 «Ахборот».

0.30 «Давр».

0.45 «Ахборот».

0.55 «Бухорий шариф».

1.00 «Давр».

1.15 «Ахборот».

1.30 «Давр».

17.25 Кўрсатувлар даври.

17.30 «Экстрим ила».

18.00 21.00, 22.30, 23.35 «Поитхат». Ахборот кўрсатув.

18.20 Телегазета «Экспресс».

18.45 19.50 «Табриклаймиз».

19.30 «Спорт-тайм».

20.30 «Фарғона нафаси».

20.50 «Тўғи».

21.20 ТВда сериал: «Кора дур доналари».

22.00 Телегазета «Экспресс».

22.25 Охланглар ва эълонлар.

22.50 ТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар».

23.55 «Хайри тун, шаҳрим!».

«Халққор» телеканали

РЖТ 6.30-8.00

14.55 Кўрсатувлар тартиби.

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

16.00 «Тотли оғу». Телевизион уйи.

17.00 «Мультчархпалак».

17.20 «Қушдак энгил бўлинг».

17.40 «Бугун оламда».

18.00 «Дил изхори».

18.45 Ричард Чамберлен «Борн идентификацияси».

19.00 «Янги авлод».

19.45 «Хайри тун, шаҳрим!».

20.00 «Время».

20.40 «Мажнун».

21.00 «Время».

21.40 «Мажнун».

22.00 «Время».

22.40 «Мажнун».

23.00 «Время».

23.40 «Мажнун».

24.00 «Время».

24.40 «Мажнун».

25.00 «Время».

25.40 «Мажнун».

26.00 «Время».

26.40 «Мажнун».

27.00 «Время».

27.40 «Мажнун».

28.00 «Время».

28.40 «Мажнун».

29.00 «Время».

29.40 «Мажнун».

30.00 «Время».

30.40 «Мажнун».

31.00 «Время».

31.40 «Мажнун».

32.00 «Время».

32.40 «Мажнун».

33.00 «Время».

33.40 «Мажнун».

34.00 «Время».

34.40 «Мажнун».

35.00 «Время».

35.40 «Мажнун».

36.00 «Время».

36.40 «Мажнун».

37.00 «Время».

37.40 «Мажнун».

38.00 «Время».

38.40 «Мажнун».

39.00 «Время».

39.40 «Мажнун».

40.00 «Время».

40.40 «Мажнун».

41.00 «Время».

41.40 «Мажнун».

42.00 «Время».

42.40 «Мажнун».

43.00 «Время».

43.40 «Мажнун».

44.00 «Время».

44.40 «Мажнун».

45.00 «Время».

45.40 «Мажнун».

46.00 «Время».

46.40 «Мажнун».

47.00 «Время».

47.40 «Мажнун».

48.00 «Время».

48.40 «Мажнун».

49.00 «Время».

49.40 «Мажнун».

50.00 «Время».

50.40 «Мажнун».

51.00 «Время».

51.40 «Мажнун».

52.00 «Время».

52.40 «Мажнун».

53.00 «Время».

53.40 «Мажнун».

54.00 «Время».

54.40 «Мажнун».

55.00 «Время».

55.40 «Мажнун».

56.00 «Время».

56.40 «Мажнун».

57.00 «Время».

57.40 «Мажнун».

58.00 «Время».

58.40 «Мажнун».

59.00 «Время».

59.40 «Мажнун».

60.00 «Время».

60.40 «Мажнун».

61.00 «Время».

61.40 «Мажнун».

62.00 «Время».

62.40 «Мажнун».

63.00 «Время».

63.40 «Мажнун».

64.00 «Время».

64.40 «Мажнун».

65.00 «Время».

65.40 «Мажнун».

66.00 «Время».

66.40 «Мажнун».

67.00 «Время».

67.40 «Мажнун».

68.00 «Время».

68.40 «Мажнун».

69.00 «Время».

69.40 «Мажнун».

70.00 «Время».

70.40 «Мажнун».

71.00 «Время».

71.40 «Мажнун».

72.00 «Время».

72.40 «Мажнун».

73.00 «Время».

73.40 «Мажнун».

74.00 «Время».

74.40 «Мажнун».

75.00 «Время».

75.40 «Мажнун».

76.00 «Время».

76.40 «Мажнун».

77.00 «Время».

77.40 «Мажнун».

78.00 «Время».

78.40 «Мажнун».

79.00 «Время».

79.40 «Мажнун».

80.00 «Время».

80.40 «Мажнун».

81.00 «Время».

81.40 «Мажнун».

82.00 «Время».

82.40 «Мажнун».

83.00 «Время».

83.40 «Мажнун».

84.00 «Время».

84.40 «Мажнун».

85.00 «Время».

85.40 «Мажнун».

86.00 «Время».

86.40 «Мажнун».

87.00 «Время».

87.40 «Мажнун».

88.00 «Время».

88.40 «Мажнун».

89.00 «Время».

89.40 «Мажнун».

90.00 «Время».

90.40 «Мажнун».

91.00 «Время».

91.40 «Мажнун».

92.00 «Время».

92.40 «Мажнун».

93.00 «Время».

93.40 «Мажнун».

94.00 «Время».

94.40 «Мажнун».

95.00 «Время».

95.40 «Мажнун».

96.00 «Время».

96.40 «Мажнун».

97.00 «Время».

97.40 «Мажнун».

98.00 «Время».

98.40 «Мажнун».

99.00 «Время».

99.40 «Мажнун».

100.00 «Время».

100.40 «Мажнун».

101.00 «Время».

101.40 «Мажнун».

102.00 «Время».

102.40 «Мажнун».

103.00 «Время».

103.40 «Мажнун».

104.00 «Время».

104.40 «Мажнун».

105.00 «Время».

105.40 «Мажнун».

106.00 «Время».

106.40 «Мажнун».

107.00 «Время».

107.40 «Мажнун».

108.00 «Время».

108.40 «Мажнун».

109.00 «Время».

109.40 «Мажнун».

110.00 «Время».

110.40 «Мажнун».

111.00 «Время».

111.40 «Мажнун».

112.00 «Время».

112.40 «Мажнун».

113.00 «Время».

113.40 «Мажнун».

114.00 «Время».

114.40 «Мажнун».

115.00 «Время».

115.40 «Мажнун».

116.00 «Время».

116.40 «Мажнун».

117.00 «Время».

117.40 «Мажнун».

118.00 «Время».

118.40 «Мажнун».

119.00 «Время».

119.40 «Мажнун».

120.00 «Время».

120.40 «Мажнун».

121.00 «Время».

121.40 «Мажнун».

122.00 «Время».

122.40 «Мажнун».

123.00 «Время».

123.40 «Мажнун».

124.00 «Время».

124.40 «Мажнун».

125.00 «Время».

125.40 «Мажнун».

126.00 «Время».

126.40 «Мажнун».

127.00 «Время».

127.40 «Мажнун».

128.00 «Время».

128.40 «Мажнун».

129.00 «Время».

129.40 «Мажнун».

130.00 «Время».

130.40 «Мажнун».

131.00 «Время».

131.40 «Мажнун».

132.00 «Время».

SPORT**SPORT**SPORT**SPORT

"Шарк" нашіріет-матбаа концерни босмахонаси.	Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206.	Босишга топшириш вакти – 20.00.	Босишга топширилди – 19.00.	1 2 3 4 5 6
--	--	--	---------------------------------	-----------------------------	-------------